



Руслар Кўкон ва Бухоро амирлиги билан бўлган урушдан голиб чиккач, I Петр замонидан колган Хива хонлигини босиб олиш режасини бажаришга кириш-дилар. Рус тарихчилари I Петр ўлимидан аввал «Хива жазоланиши керак», деб таъкидлаганини доимо кайд килиб келган. Рус подшосининг истагига бўйин эгмади, деб Хивани жазолашни Русия 1717 йилдан 1873 йилга қадар - 156 йилдан ортиқроқ кутишга тўғри келди. Хивани кўлга олиш ёки кўрkitиш йўли билан Русия Амударёга ўтишни таъминлаш мақсадида эди. Хива бўш келмади. 1839 - 1840 йиллари муваффақиятсиз-ликка учраган жазо сафаридан сўнг 1854 йилнинг илк баҳорида рус раҳбарияти Петровский кўл остида 17000 аскарни Хивага юришига амр этди (Abaza, 176-6.). Булар Орол кўли атрофида енгилдилар ва тинчлик шартномаси тузиб, орқага чекинишга мажбур бўлдилар (Василевский, Очерк историко географические, 335-6; Костенко, Средняя Азия, 140-6.). Фақат 1856 -1859 йилларда Русия Хазар денгизидаги Мангишлок ярим оролида (1859 йили номи Новоалександровский деб ўзгартирилган) Новопетровск мустаҳкам бандаргоҳи бунёд қилишга ва бу ерда ҳаракат таянчи яратишга муваффақ бўлди. Руслар 1859 йили Хазар денгизининг шарқий соҳили харитасини қизиш билан энг муҳим ҳарбий-сиёсий вазифани тамомлаган бўлдилар (Дандевилле бошчилигидаги бухайъатда 9 субай (офицер), 100 аскар ва 48 казак иштирок этди. Галкин дипломат, Ильминский таржимон сифатида қатнашди. Бу хайъатнинг ёвмуд туркманларидан Мухаммад Сафе ва Хонмамбетлар кузатувчилари эди. Бу хайъатнинг Каспий денгизининг ўнг соҳилига саёҳатини М. Н. Галкин ўзининг «Этнографические и исторические материалы». СПб, 1869 асарининг 49 - 149-бетларида тасвирлаган.). Бу кейинги ҳаракатлар учун бир пойдевор бўлди. 1869 йил 5 ноябрда (полковник) албай Столетов кўмондонлигидаги рус аскарлари Кизилсув (Красноводск)га чиқдилар ва бу ерда денгиз кучларини тўплай бошладилар.

1870 йил 18 январда фон Кауфман Хива хонига бир савдо улови бандаргохи куриш учун Кизилсувга кўшин келганлигини билдирган мактуб йўллади. 1870 йил 25 февралда Хива девонбеги ўз жавобида Русиянинг бу кадами - кўшин тушириш ва калъа иншооти куришни маъкулламаслиги ва бу тадбирларни бошқаларнинг ерларини зўрлик билан кўлга олиш деб ҳисоблашини билдирди (Тўлик маълумот учун яна қаранг: Olzscha-Cleinow. Turkestan, 87 - 88-бет.). Руслар тижорат йўллари изламади, балки Туркистонда ҳокимиятларини мустахкамлаш учун ҳарбий мақсад сари интилдилар (Гродеков, «Хивинский поход» асарининг 2-3-бетига кўра Шералихон 1896 йили Афғонистон ҳукмдори бўлганидан сўнг Русияга қарши Ўрта Осиё мусулмонлари иттифоқи тузиш ниятида эди. Шунинг учун Русия Туркистондаги ўз мустамлакачилик ҳокимиятини янада мустахкамлаб олиш ниятида 1869 йили Красноводск кўрфазини босиб олди.). Руслар Ҳазар денгизининг ўнг соҳилига пайдо бўлишидан Эрон ҳам ташвишга тушди. Факат Русия 1869 йилнинг охирида Атрек ирмоғини ҳар икки мамлакатнинг чегараси қилиб белгиланган шартнома билан Эроннинг бетараф бўлишига эришди. Кизилсув кейинрок Хива хонлигига ва туркманларга қарши ҳаракатнинг маркази сифатида хизмат қилди. Красноводск калъасининг қурилиши билан Хива - Оренбург йўналишида Устюрт билан, Тошкент йўналишида Кизилкум билан, Ҳазар денгизи йўналишида Красноводск билан (Кизил-сув) уч томонлама ўраб олинган эди. Рус қисмлари 1869 йилдан бери Мангишлок ва Красноводск томондан Хиванинг дашт ноҳияларига қира бошлаган эди. 1871 йили Сарикамишни ишғол қилишди. Хива хони Муҳаммад Раҳим Русиянинг қучайиб бораётган сиқувидан чиқиш Мангишлок йўлини ахтарар эди. 1871 йили Мангишлоқарим оролидаги энг нуфузли шахслардан бўлмиш Эшон Нурмуҳаммадни қабул қилиб, ундан Русияга қарши нима қилиш кераклиги ҳусусида маслаҳат сўради. Эшон шундай деди: «Кўп йиллардан бери рўпарамизда бир бўғма илон турганлигини кўрдингиз. Буни қандай қораси бор? Бу ҳусусда ўша вақтлар бироз диққатингизни жалб қилай десам, сўзимни тингламадингиз. Энди вақт кеч бўлди» (Гродеков, «Хивинский поход», 6-бет.). Ҳақиқатан ҳам, Хива олдида турган буюқ даҳшатни жуда кеч англадигина эмас, ҳатто тузукрок ҳимоя тадбири ташкил қилишга холи ҳам йўқ эди.

Фон Кауфман Хива билан ҳат ёзишиш орқали Хивани босиб олиш учун баҳона топишга ҳаракат қилди. 1871 йили Кавказ волиси буюқ княз Михаил Николаевичнинг назоратида руслар Хива хонлигига қарашли Эркабой воҳасини ишғол қилдилар. Фон Кауфман 1870 -1871 йилларда Хивага рус тижоратига ҳеч монелик қилмасдан, дарвозаларни очишини талаб қилиб, бир неча бор мурожаат қилди. Хива бир томонлама қарорлаштирилган тижорат муносабатларини рад этди. Фон Кауфманга қулай фурсат келди. Хивани босиб олиш учун Петербургда кўп ҳаракат қилди. Рус амалдорлари фон Кауфманнинг бу фикрини тасдиқладилар, факат Хивага юришдан аввал етарли ҳозирлик қўриш кераклигини лозим топдилар. 1872 йил 3 декабрда ок подшо II Александр ҳам иштирокчиси бўлган рус ҳукуматининг бир қўмитаси хонликни босиб олишга қарор қилди. Ҳаракатни бошқариш Туркистон бош волиси фон Кауфманга юқлатилди. Рус ҳарбий ҳаракатида Оренбург, Кавказ ва Туркистон қисмлари иштирок этиши белгиланди. 12 декабрда ок подшо Хива сафари режасини тасдиқлади. Англиянинг Петербургдаги бош элчиси 1872 йил мартада ўз ҳукуматига Русия 1873 йил илк баҳорида Хивани босиб олишни планлаштирганини маълум қилди. Лондон ҳукумати доирасида Афғонистон юзасидан ташвиш бор эди. 1873 йил январидан ок подшо ўзининг ҳарбий адъютанти граф Шуваловни Лондонга юборди. Шувалов бу ерда Хивага сафар планлаштирилганини,

факат бу узок муддатга чўзилмаслигини баён килди(Antagonismus, 102-6. Шувалов Лондонда Русия Хивани адабини бериб кўйиб, кейин у билан савдо битими тузишини очикча баён килди. Киёсланг: 89-бет бундан ташкари «Ок подшо Хивани босиб олиш нияти йўклигини, аксинча, бу вазиятдан ҳеч қандай манфаат изламаслик ҳақида фармон берганлигини билдирди. Киёсланг. Olzscha - Cleinov, Turkistan, Hoetzsh, Rusland in Asien. 81-6.). Русия бу сафар ҳам Англиянинг Хива мавзусида бетараф бўлишига эришди, ҳатто 1873 йили Ўрта Осиёдаги инглиз манфаатларини ҳурмат қилишини таъминлайдиган битим ҳам имзоланди. Рус раҳбарияти ташки сийosat бўйича хотиржам бўлгач, 1873 йил февралда Хивага бир неча томондан юриш бошлади. Шу вақтгача руслар, 1871 йилнинг бошидан бери Хивага қўшин ҳозирлаш билан машғул эдилар. Оренбургдан генерал Веревкин қисмлари, Тошкентдан ҳаракат бошлаган фон Кауфман қисмлари 1873 йил майда бир вақтда Хивага етиши керак эди. Рус манбаларига кўра, Хива юришида 13 000дан ошқаскар катнашган(Булардан 5300 нафари Туркистон бош воилигидан, 3500 нафари Оренбург бош воилигидан, 4300 нафари Кавказдан келган эди. Уларнинг ихтиёрида 4600 от ва 20000 туя бор эди. Киёсланг: Макшеев, 314-6. Руслар ўз сафарлари ҳақида ҳеч қачон тўлиқ маълумот беришни одат қилмаган. Хива сафари ҳам бундан мустасно эмас. Abaza, 176-бетга кўра Кавказ қисмида 2200 аскар, Оренбургдан келган қисмда 9 бўлинма ҳамда 9 казак юзлиги ва Тошкент қисмида 5250аскарборэди. (191-6.Кўра,Хивагақарши ЮОООаскарсафарбар қилинган (Vartunberg, 112-114-6.}, 43-бетга биноан уларнинг сони 13000 эди. Fred Burnaby, Aride tokhiva 255-бети бўйича аскарлар сони 14000 бўлиб, 53 бўлинма, 25 казак юзлиги, 5 тўп бўлинмаси бор эди. Boulger, Central Asian questions, Асарининг 16-бетига кўра Хива сафарида қамида 30 000 рус аскарлари катнашган.). Хар уч ҳаракат базаларида 264 250 аскар захирада бўлиб, буларнинг 197 625таси Кавказда, 40 469 таси Оренбург бош воилигида ва 26 160 таси урушга тайёр ҳолатда Туркистон ҳарбий воилиги ихтиёрида эди(Hugo Stumm, Der Russische. Feldzug, 375-6.). Рус бошлиқлари шу пайтгача ишғол қилинган, ўлкалардаги маҳаллий қабилалардан, уруғлардан, айниқса, даштлардан ўтишда хизмат кўрсатган бир қанча мусулмонларни ҳам ўз қаторига қўшдилар(Уларнинг орасида ҳужум қисми қўмондони Алиханов; Туя боқувчи ва йўл бошловчи Кабак Эрбамет (қозоктурки) бўлиб, йўлни яхши биларди. Отамурод (туркман), Гайнуллин (татар) ва б.к. бор эди. Киёсланг: Abaza, 178-6. Гродеков. Хивинский, 134 ва 249-бетлар. Кузатувчиларнинг хар бирига 15-20 сўм пул тўланарди.).

Хива хонлиги бундай даҳшатли ҳужумга қарши муваффақиятли мудофаа уюштирадиган имқониятга эмас эди. Миршабларни ҳисобга олмаганда, Хиванинг атиги 1500 мунтазам аскарлари бор эди. Аҳоли миқдори ҳам 500000 дан ортиқ эмасди. Русларнинг ҳисоб-қитобига қараганда, ерининг ҳажми (юз ўлчами) 130 590 верст қаррадан (квадрат) иборат эди(Ўзбекистон тарихи, II, 2,152-153-6.). Хива шу ҳоли билан қўнгиллиларни, ақл ва шижоат соҳиби бўлмиш ватандошларини Русиянинг даҳшатли истилочилиқ урушига қарши сафарбар қилиб, уч ойдан ортиқроқ ҳимоя қилишини давом эттирди. Давомли жанглардан сўнг 1873 йили 29 майда 291 офицер (субай) етагида 6 965 рус аскарлари Хива шаҳрига кирди(Лобисевич, Описание, 239-6. Гродеков, Война... I., 264-6. Бу аскарлар 29 май 1873 йили Хива қалъа деворларига етиб бордилар.). Шаҳарда ўзаро қучсиз тўп отишмалари бўлди. Хива учун қучли жанг қилиш беҳуда эди. Хоннинг биродари Отажон тўра (1873 йили 22 ёшда) урушнинг чўзилишига қарши эди. У 1872 йил охирида қардоши Саид Мухаммад Раҳим Баҳодирхонни тахтдан туширишга интигани учун хибсда сақланарди. Унинг сарой атрофида ҳам ўз қишилари бор эди. Буларга

карши Русиянинг аёвсиз душмани бўлмиш девонбеги Матмурод ва ясовулбеги (миршаблар кўмондони) Рахматулла урушнинг давом этишини истарди. Хоннинг Хивада 300 дан ортиқ аскарлари йўқ эди. Шаҳар таслим бўлди. Тахт 1873 йил 29 майда мусодара қилиниб, дарҳол Москвага жўнатилди. 1873 йил 30 майда фон Кауфман I Петрнинг тугилган куни учун бир карокчилик ўйини бағишлагани ҳақида оқ подшога маълум қилди. Бу билан I Петрнинг васияти амалга оширилганини ёдга олмакчи эди. 2 июнда Хива хони Баходирхон Кауфман ҳузурига чиқиб, капитуляция шартларини қабул қилди. Девонбеги Матмурод билан қўшин Қазалинск қалъасига жўнатилди, ундан миршаблар кўмондони Рахматулла ушланиб, дарҳол мартда Калуга вилоятига абадий сургунга юборилди. 1873 йили фон Кауфман 6 июнда бир фармон чиқариб, унда хонликни идора этувчи тахт шўроси ташкил этди. Бу хайъат аъзоларининг тўрт нафари Россиядан бўлиб, уч нафари Хивадан, жами етти кишидан ташкил топди (Бу вакиллар хайъатида Хива хон лигидан Матниёз (бош нозир, русларга содик дўст), Эртош Али инок (хоннинг ўғай биродари) ва Абдуллабеклар иштирок этди. Руслар томонидан эса полковник (олбой) Иванов, Поджаров, Хорошкин ва Олтинбой (Тошкентлик бир савдогар) кирди. Вакиллар хайъатига шахсан хоннинг ўзи раислик қиларди. Вакиллар хайъати Хива хонлиги ерида жойлашган рус ҳарбий қисмлари кўмондони ҳатти-ҳаракатини назорат қиларди. Киёсланг: Лобисевич, Описание, 245-6; Гродеков, Хивинский, 272-273-6.).

1873 йил 12 августда фон Кауфман хонга 18 моддадан иборат тинчлик шартномасини тикиштирди. Бу шартнома бўйича хон Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларни (76 000 км² бўлган бу ерларда 205 000 аҳоли яшарди) Россияга бериб, даъводан воз кечиши керак эди. Уруш товони сифатида 2,2 миллион сўм тўлаши, рус савдогарларига алоҳида эркинлик қафиллиги берилиши ва хонлиkning бошқа ўлкаларида қалъа ва шунга ўхшаш нарсалар қурилишига рухсат бериши керак эди. Хон бундан буён ворислик ҳуқуқига қўра, фуқароларининг ички муаммоларини (руслардан ташқари) ҳал этиш вазифасини бажара оларди (Гродеков, Война., 16, 339-6; Василевский, Очерк, 362-6; olzs-chadienow 90-6; Б. Хайит, Боскинчиларнинг Хива хонлиги ва Каспий бўйларидаги ўзига қаратиб олиш учун курашлари ва ундаги фожиялар. МТ 6 1944, No55, 17-23 бетлар; Лобисевич, 268-270-6; Riza Nur, IV, 375-376; Burnaby, 397-401-6. (битим матни билан бирга); Bolger, England und Russia, 326-332 (бу ҳдм битим матни билан); Mfc Gahan, Hive Se-yahatnamesi. Ve Tarihi. (инглизчадан таржимони Кул Оғаси), Истанбул, 1876 (хижрий 1293), 385-391.).

Бу билан Россия-ҳарбий қучга суянган ҳолда, 1751 йилдан бери кетига тушган тарихий мақсадига 1873 йили эришди. Бу юриш ҳақида рус тарих китоблари (Хива сафари давомидagi русларнинг тушунчасини ушбулар ақс эттирган: Гродеков, Хивинский поход: 343-6.; Лобисевич, 277-6.; А.М. Алиханов. Поход на Хиву., Спб. 1873; Троцкий, Тум генерал, Материалм для описания., яна бир бошқа манбага ҳам қаранг: R.A.Pierce, Soviet Central Asia. Abibliography, Dort' 2, California, 1966, 7-8-6.), Оврупо ва Америка ёзарлар (Хива сафари муносабати билан халқ оммасининг фожиясини ақс эттирган энг яхши асарлардан бири, Januaries Mac Gahan, Compairing on the oxus and the Fall of Khiva, New-tork 1974, 438-6., Ёзувчи Америка газетасининг муҳбири бўлиб, уруш минтақасида қонунга ҳилоф равишда бўлган эди. Россиянинг Хива юришида фақат америкалик шу киши гувоҳ эди. Бошқа бир тадқиқот: дастлабки жилди: the Russian campaign against Khiva, in 1873, Part 1, Calcutta 1873, 341-6., сарлавҳаси остида нашр қилинди. Стумм немислар ҳарбий атташесининг ҳаракатдаги жосуси эди. Унинг штабидан олдинроқ сер...нинг, (Sir Charles Vinkentning, Russias advance easward based on the official reports. Oflietenant. Huga stumm, German Military Attasche. to the Khivian expedition, London 1874,

187-6.) номли китоби чикди. Хива сафари хакида французлар тасаввури хакида каранг:1874, Mauris H.Weil, L'expedition de Khiva, Paris, 1874,172-6.) атрофлича маълумот берадилар. Нихоят, «юз йилларга чўзилган эски Хива ечимига» оид шараф фон Кауфманга насиб килди(Василевский. Очерк, 362.: «Бековичнинг 1717 йилда, Перовскийнинг 1839 йилда амалга ошира олмаганини Константин Петрович фон Кауфман 1873 йили тўла-тўқис рўёбга чикарди ва юзлаб йиллар давом этиб келаётган Хива муаммосини узил-кесил ҳдл килди».).

Русия томонидан истило килинган Амударёдаги ноҳиялар 1873 йили Амударё вилояти хисобланди. Бироз кейинрок, яъни 1874 йилда бу ном Амударё шуъбаси деб ўзгартирилди. Бу ўлка ёки шуъбанинг волиси хонликни назорат қилиш ваколатига эга эди. 1874 йили тахт шўроси ҳам бекор қилинди. Хон ички ишлар бўйича ҳам бирор қарор чиқаришдан олдин тасдиқлатиб олиш учун Амударё шуъбаси харбий волисига такдим қилишга мажбур эди. Маркази Петро-Александровскда (Тўрткўл) бўлган Амударё шуъбаси 1887 йили Туркистон бош волилигининг Сирдарё бўлимига боғланди. Бу шуъбанинг волиси фуқаро масалалари бўйича Сирдарё бўлими волисига, харбий жихатдан Хива тўғридан-тўғри Туркистон бош волисига тобе эди. Хива хонлигида тизгинни қўлга олгач, руслар 1874 йил 9 мартда Хазар денгизи атрофи ноҳиясини ташкил этдилар. Кавказ Бош қўмондонига тобе бўлган бу харбий ноҳия идораси Красноводскда жойлашган эди(Тихомиров. Присоединение Мерва, 17-6.). 1890 йил 6 февралда бу харбий ноҳия Хазар денгизи атрофи вилоятига айлантирилди. Бу вилоят рус харбий нозирлиги томонидан назорат қилинар эди. Вилоят волиси Машхад ва Техрондаги рус дипломатик вакиллари билан, Бухородаги сиёсий шуъба ва Туркистон бош волиси билан ҳамкорлик қилиши лозим эди. Бу вилоят 1897 йил 26 декабрида бошқа ўлкалар, хусусан, туркман ерлари босиб олинганидан сўнг Туркистон бош волилигига қарам бўлди(Журнал Совета Туркестанского генерал-губернатора. - Ташкент: 1904, No 39,1-6.). Бу вилоят Шарқий Хазар хавзасини (Афғонистон ва Эрон чегарасига қадарф Амударёнинг чап қирғогидан Хива чегаралари билан Урал ноҳияси чегараларигача бўлган ерларни қамраб олганди. Шундай қилиб, қичик ва заиф хонлик қарамликка ўчрагач, майдони 54 690 км² (верст²) бўлиб, (бунинг факатгина 2,2 % дехкончиликда фойдаланиларди) Амударё шуъбаси ва Хазар вилояти томонидан назорат қилинди. Бундай идора тартиби 1920 йилда хонлиkning йўқ қилиниши ва 1924 йилда Хоразм халқ жумҳуриясининг бекор қилинунига қадар давом этди.

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан